

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ҚОРАЕВ САМАРИДИН БАРАҚАЕВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШ
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Қораев Самаридин Баракаевич

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш
жараёнини такомиллаштириш.....3

Караев Самаридин Баракаевич

Совершенствование процесса профессиональной подготовки учащихся в
средних общеобразовательных школах.....17

Karaev Samaridin Barakaevich

Improvement of vocational training of pupils in secondary schools.....33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications37

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ҚОРАЕВ САМАРИДИН БАРАҚАЕВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШ
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

3.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

Педагогика фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped 384 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (cspi.uz.ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедов Гафуржан Исроилович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қўйсинов Одилжон Алмуратович
педагогика фанлари доктори

Махмудова Дилфуза Мелиевна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Ф.Т.Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, география фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, б.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва меҳнат бозорида кичик мутахассисларга бўлган талабнинг ошиб бориши таълимнинг ҳар бир босқичида таълим олувчиларни касбга йўналтириб боришни талаб қилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчаси иқтисодиётнинг кескин ўзгаришларига мослашган, ҳар қандай шароитда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш таълим тизимига эга. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «ўқитиш ва касбга тайёрлашда турли хил таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ва кучайтириш» доирасида дунё таълим тизимига кириб келаётган янгиланишлар, тараққиётнинг тезлашиб бориши, мактабларида ўқитиш ва касб-ҳунар бериш сифатини ошириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда таълим олувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, касб танлашга оид кўникма ва малакаларини шакллантириш, замонавий меҳнат бозорининг талабларини ўрганиш асосида уларнинг касбий фаолиятга мослашувчанлиги ва касбий сифатларини оширишга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўқувчиларни касб-ҳунар турларини мустақил танлашга йўналтириш, уларнинг ўзлари қизиққан касб соҳаларида иқтидор ва имкониятларини рўёбга чиқариши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёни такомиллаштирилмоқда, халқаро андозалардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, «Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиклиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари фаолияти такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон фармонлари, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 4-сон, 69 модда.

маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқувчиларни касбга йўналтириш муаммолари, жумладан, амалиёт ва унинг мақсад, вазифалари, уни ташкил этишнинг назарий-методологик жиҳатлари ва илмий асослари Л.В.Голиш, В.П.Горленко, Г.Н.Жуков, И.Я.Звоник, Г.М.Коджаспирова, Н.В.Неводниченко, В.П.Симонов, М.Е.Сисоева, И.Ф.Харламов, В.Т.Чепиков, Т.А.Шангирей кабиларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Р.Ш.Ахлиддинов, У.И.Иноят, М.Казаков, Ш.Қурбанов, Р.Турғунбаев, С.Т.Турғунов, А.Р.Ходжабоев, А.Х.Ғаффоров кабиларнинг илмий-тадқиқот ишлари таълим-тарбия жараёнини бошқариш, таълимда изчиллик ва узвийлик, янгича ёндашувлар, таълим тизимида бошқарув принциплари каби муаммоларга бағишланган. Касбий таълим узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, унинг ташкилий шакл, метод ва воситалари, педагог-муҳандисларнинг касбий тайёргарлиги масалалари Б.С.Абдуллаева, Т.Абдухолиқов, О.А.Абдуқудусов, Д.Н.Арзикулова, М.Т.Ахмедова, А.К.Жалолов, З.К.Исмаилова, А.М.Мавлянов, П.Мусаев, Н.А.Муслимов, Б.Ҳ.Рахимов, М.Р.Рахматуллаев, Б.Сатторов ишларида ёритилган.

Таҳлиллардан кўринадики, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот ишлари кам. Ушбу тадқиқот иши айнан шу муаммо ечимига қаратилгани билан ҳам аҳамиятли.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ИОТ-2013-1-19 «Республика иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини етук ва касбий кўникмага эга кадрлар билан таъминланишида касб-хунар коллежларида амалиётларни ташкил этилишининг аҳамияти» (2013-2015 йил) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш механизмларини технологик ва касбий-психологик тайёрлаш жараёни интеграцияси асосида такомиллаштириш;

ўқувчиларга бериладиган касбларга бўлган талаб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги касб турларига оид таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг касбни эгаллашга бўлган мотивацияси, мослашувчанлиги, карьераси бўйича маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш технологиясини такомиллаштириш;

Ўқитувчиларнинг касбий қобилияти, маҳорати ва компетентлигини ривожлантириш орқали ўқувчиларнинг касб-хунарга доир билим ва кўникмалари такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 60 нафар ўқитувчилари ва 250 нафар ўқувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот доирасида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, психологик-педагогик адабиётлар ва умумий ўрта таълим мактабларида касб-хунарга тайёрлаш дастури, дарсликлар, методик қўлланма ва тавсияларни ўрганиш, машғулотларни кузатиш, ўқувчи ва педагог-муҳандислар билан суҳбатлашиш, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш ва умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш механизмлари (амалиёт раҳбари, услубчиси ва педагог муҳандисларнинг функциялари) технологик ва касбий-психологик тайёргарликнинг узвий алоқадорлиги (касбга йўналтиришда хистуйғулар ва ижодкорлик қобилиятини шакллантириш) асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, машғулотларга янги турдаги касбларни киритиш орқали тўлдириш зарурлиги асослаб берилган;

ўқувчиларнинг касбни ўзлаштириш мотивацияси, мослашувчанлиги, карьераси учун маълумотга эга бўлиш каби касбий сифатлари ташкилот ва корхона мутахассислари томонидан ўтказиладиган кўргазмали дарс, ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш, амалий машғулотларни корхонада ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

ўқитувчиларнинг касбий қобилияти, касбий маҳорати ва касбий компетентлиги (мустақил ишлар, устоз-шогирд анъаналари)ни синф ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ривожлантириш орқали ўқувчиларнинг касб-хунарга доир билим ва кўникмалари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг дидактик таъминоти яратилган;

ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришда “дурадгорлик” касби бўйича машғулот ишланмаси яратилган;

ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашнинг диагностик аппарати (ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий, умумлаштирувчи) ишлаб чиқилган;

Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашга оид “Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар” номли электрон ўқув қўлланма яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амал қилинган ёндашув ва тамойиллар, қўлланган усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммо юзасидан республикамиздаги ҳамда хорижий олимларнинг ғоялари, амалиётчи ўқитувчиларнинг тажрибаларига таянганлиги, келтирилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, таклиф этилган модель, функциялар, ўқув-билиш фаолияти даражалари, принциплар, таркибий тузилмалар, машғулотлар сифатини аниқловчи кўрсаткичлардан касбий фанларнинг ўқув режа ва дастурларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёни сифатини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар, мазкур жараён мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар, касбий фанлар бўйича давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, машғулотлар сифатини оширишга хизмат қилади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тавсиялардан педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжидан келиб чиқиб янги турдаги касбларни билан тўлдириш, ўқитувчиларнинг касбий қобилияти, касбий маҳорати ва касбий компетентлигини синф ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ривожлантириш орқали ўқувчиларнинг касб-ҳунарга доир билим ва кўникмалари такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлар таълим жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 89-03-3130-сон маълумотномаси). Натижада амалиётчи-ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича услубий таъминотнинг такомиллашишига эришилган;

ўқув жараёнини такомиллаштиришга доир таклифлар ИОТ-2013-1-19 рақамли «Республика иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини етук ва касбий кўникмага эга кадрлар билан таъминланишида касб-ҳунар коллежларида амалиётларни ташкил этилишининг аҳамияти» мавзусидаги амалий лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 89-03-3130-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёни такомиллаштирилган;

ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишга оид тавсиялар “Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 9 ноябрдаги 04-04/2-1831-сон маълумотномаси). Натижада, касбга йўналтирилган таълимнинг самарадорлигини ошириш ва услубий таъминотининг такомиллашишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 5 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, асосий мазмунни ёритувчи учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот муаммосининг республикамиз ва хорижда ўрганилганлик ҳолати илмий-педагогик ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мактабларда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтирувчи амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, уларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, методик асослари ёритиб берилган, камчилик ва вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнидан кўзланган мақсад илмий-амалий билимларни мустаҳкамлаш, олинган билимларни илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда қўллаш, замонавий ишлаб чиқариш, техниканинг ривожланиши шароитида ўқувчиларни мустақил ишлашга тайёрлашдан иборат.

Олиб борилган изланишларимиз ва тадқиқот таҳлили натижасида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда учраётган умумий камчиликлар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган, уларнинг мавжуд ҳолати ўрганилиб, истиқболли йўналишлари белгиланган, бу соҳадаги технологик ёндашувлар таҳлил қилинган, унинг изчил тизими, амалга ошириш методлари, унинг натижасида шаклландиган билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш мезонлари такомиллаштирилган, ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогик шарт-шароитлар аниқланган ҳамда амалга ошириш йўналишлари белгилаб берилган.

Таҳлиллардан кўринадикки, ҳозирда ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашнинг дидактик имкониятлари етарлича аниқланмаган, эгалландиган билим, кўникма, малакалар ҳамда уларни амалда қўллаш жараёни илмий ва амалий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган, машғулотлар мазмунида касбий фанлардан билимларни тақдим қилиш, ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича эътиборга олинмай келаётган ҳолатлар мавжуд, шунга кўра, янги назарий ва амалий билимларни машғулотлар мазмунига киритиш, зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш учун маҳоратли педагог-муҳандисларни тайёрлаш зарур.

Амалий машғулотлар мазмуни ва унинг таркибини такомиллаштириш йўлларини излаш, унинг дидактик асосларини ишлаб чиқиш муаммолари доирасида уларни замонавий ташкил этиш йўлларини аниқлаш, ўқувчиларга уларнинг мақсадини тушунтириш, самарадорлигини оширишни белгилаб бериш, истиқболли имкониятларини асослаш, машғулотларни ташкил этиш асосида бу жараённинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи имкониятларини кенгайтириш, уларга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларини тадқиқ этиш лозим.

Амалга ошириладиган ишларнинг самарали йўлларини аниқлаш учун давр талабларига мос машғулотларни ташкил этиш, асосий эътиборни мақсад ва вазифаларни аниқлашга қаратиш, педагог-муҳандис ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларда мустақил фикрлаш, ижодий қобилият ҳамда касбий маҳоратларини замон талаблари даражасида шакллантириш, ташкилий, психологик-педагогик, ўқув-услубий, ахборот, моддий-техник таъминотни такомиллаштиришга асосий эътиборни қаратиш лозим. Шу мақсадда тадқиқот доирасида мазкур жараённи такомиллаштиришнинг замонавий модели ишлаб чиқилди. Унда асосий услубий ва дидактик талаблар, ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, жараённи лойиҳалаш ва моделлаштириш, тадқиқотни бажариш босқичлари ҳамда унга масъул ходимларнинг вазифалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг «**Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ташкилий-технологик шарт-шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда мазкур жараён самарадорлигини ошириш йўллари ва босқичлари, машғулотларни ташкил этиш, касб-ҳунарга тайёрлашда педагог-муҳандислар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, ўтказиш принциплари, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти даражалари илмий асослаб берилган.

Мазкур бобда ушбу жараёни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш йўллари, уларга қўйиладиган дидактик ва услубий талаблар, услубий ишларни бошқариш ҳамда уни назорат қилиш, баҳолаш тизимлари ёритилган. Жараёни такомиллаштириш юзасидан асосий талаблар ишлаб чиқилган.


Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнида амалга ошириладиган вазифалар белгиланган ҳамда унинг самарадорлигини оширишнинг асосий принциплари ва босқичлари аниқланган. Машғулот мавзуларини лойиҳалаш, мақсадини ва унга эришиш йўлида бажариладиган вазифаларни белгилаш, унинг ташкилий шакл, усул, восита ва методларини танлаш амалий машғулотлар самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш йўллари ва босқичлари, мазкур жараён машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш, педагог-муҳандислар тайёргарлигига қўйиладиган асосий талаблар, ушбу фаолиятни такомиллаштириш тамойиллари, унда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти даражалари илмий асослаб берилган.

Машғулотлар самарадорлигини ошириш назарий жиҳатдан ишлаб чиқилладиган дидактик ёндашувлар мажмуидан иборат бўлиб, ушбу жараёнда амалга ошириладиган вазифалар белгиланди. Уларнинг самарадорлигини оширишда амал қилиш муҳим бўлган тамойиллар, унинг самарадорлигини ошириш босқичлари кўрсатилди.

Машғулотларнинг лойиҳаланишини таъминлаш, мақсадини аниқлаш, унга эришиш йўлида бажариладиган вазифаларни пухта белгилаш, ҳар бир машғулотни маълум босқичларга ажратиш, унинг ташкилий шакл, усул, восита ва методларини танлаш, ўқувчилар касбий фаоллигини умумий назорат қилишнинг шакл, метод ва усулларини аниқлаш кабилар машғулотлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши кўрсатилди.

Диссертацияда ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, уни янги авлод ўқув-методик адабиётлар, замонавий техник воситалар билан таъминлаш, бу жараёнга малакали педагог-муҳандисларни жалб этиш, уларда инновацион ва технологик ёндашувларни шакллантириш, ўқувчиларнинг мустақиллиги, тадбиркорлиги, ташаббускорлиги ва фаолликларини юзага келтириш вазифаларини амалга ошириш йўллари асослаб берилган.



1-расм. Ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш модели.

Педагог-муҳандисларнинг машғулотларни самарали ташкил эта олиш борасидаги фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари белгиланган. Шу мақсадда уларнинг педагогик фаолияти тузилмаси ва фаолият мезонлари, машғулот самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш мумкин бўлган босқичлар ишлаб чиқилган. Унда ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш муҳим ўрин тутиши, шу йўл билан кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги асослаб берилган. Бунинг учун машғулот кундалиги, ўқувчилар учун кўрсатма ва йўлланмалар, тавсиялар ҳамда машғулот тузилмаси ишлаб чиқилиб, асосий принциплари асослаб берилган. Машғулот материалларини ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш воситасига айлантириш учун амал қилиш зарур бўлган омиллар, уларни фаоллаштиришда материалнинг касбий йўналишини кучайтириш, мустақил ишлардан кенг қўламда фойдаланиш зарурлиги кўрсатилган.

Мазкур бобда амалий машғулотларни ташкил этиш ва амалиётга жорий этиш методикаси ҳамда дастури, режалари таҳлил қилиниб, улардан диссертация иловаларида намуналар келтирилган. Машғулот бўйича ўқувчиларни баҳолаш мезонлари, қайдномаси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш**» деб номланган учинчи бобда амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш йўллари, самарадорлик даражаси, унинг таълим жараёнидаги ўрнини ўрганиш натижалари ҳамда таҳлили келтирилган.

Машғулотнинг педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари бўйича диссертант томонидан қуйидаги тавсиялар берилган: машғулотни ташкил этиш учун белгилаган жойларда дастлабки шарт-шароитларни яратиш, уларни ўқув ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш, ўқувчиларнинг ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, машғулотни ташкил этиш методикаси ва технологиясини такомиллаштириш, самарадорлигини аниқлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш учун муаммоли топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш.

Ўтказилган тажриба-синовлар амалий машғулотларнинг замон талаблари асосида ташкил этилиши ўқувчиларнинг мустақил билим олишларига, уларда ташаббускорлик, тадбиркорлик ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратишини исботлади. Бир неча босқичда амалга оширилган тажриба-синов ишлари ҳамда улардан келиб чиқиб бажарилган вазифалар баёни ушбу бобнинг мазмунини ташкил этади.

Тажриба-синовнинг биринчи босқичи бўйича тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблиги, етарли даражада ўрганилмаганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган, иккинчи босқичда машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари тажриба-синов ишлари жараёнида аниқланган, эришилган натижалар амалга оширилган илмий-тадқиқот нуктаи назаридан баҳоланган. Ушбу босқич давомида машғулотни ташкил этиш хусусиятлари, шу асосда ўқувчиларнинг билимларини бойитишга доир ўқув қўлланма яратилиб, амалиётга жорий этилган. Навбатдаги учинчи босқичда ишлаб чиқилган

тавсияларнинг самарадорлиги бўйича эришилган натижалар умумлаштирилган. Педагог-муҳандис ва ўқувчиларнинг тажриба-синов ишлари бошланишидан олдинги ва кейинги даврда машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўқувчилар билимининг ривожланганлик динамикаси ўрганилган.

Машғулотларни ташкил этиш мазмуни, структураси ҳамда уларга қўйиладиган муҳим талаблар, машғулот тури, шакли, усули, восита ва технологиялари, машғулот компонентлари, педагог-муҳандисларнинг тайёргарлик даражаси, ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш масалалари батафсил ёритиб берилган.

Машғулотларни ташкил этиш учун амал қилиниши лозим бўлган қуйидаги асосий талаблар эътиборга олинган: асосий йўналишга, унинг бугунги ҳолатига, таълим стандартлари талабларига мос келиши, амалий машғулотларни мустақамлаш, мустақил ишлашни рағбатлантириши, мавзуларнинг аниқ белгиланиши, технологик хариталарнинг тузилиши, зарур адабиётлар, машғулот жадвали ва ишчи режаси билан мос келувчи восита бўлиши.

Машғулот режа ва дастурлари таҳлил қилиниб, такомиллаштирилган, улардан намуналар диссертация иловаларида берилган.

Тадқиқот ишида мактабларда дурадгор касби мисолида ўқувчиларнинг назарий билимларни ўзлаштириши ҳамда уларни амалиётда мустақил қўллаш олишга ўргатиш вазифаларини етарлича тез ҳал қила оладиган методик жиҳатдан асосланган муаммоли таълим технологиясини қўллаш мумкинлиги асослаб берилган.

Назарий маълумотлар таҳлили ва дурадгорлик касбини ўқитиш бўйича кўп йиллик тажрибага асосланиб, умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синф ўқувчиларига “Дурадгор касби”дан муаммоли амалий машғулот тузилмаси ва ҳар бири 2 академик соатга мўлжалланган муаммоли дарс ишланмалари (ташкил этиш методикалари) яратилди ва республика мактаблар амалиётига жорий этилди.

Тадқиқотда машғулотни ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга эришишни енгиллаштириши кўрсатиб берилган: ўқувчиларга бажариш учун қулай материалларни бериш, мавзуларга алоқадор чизма, схема, диаграмма ва жадваллар, муаммоли топшириқлар, амалий машқлар ва назорат саволларини киритиш.

Тажриба-синов натижалари математик-статистик усул ёрдамида таҳлил қилинган. Амалга оширилган тажриба-синов давомида олинган натижалар ўқувчилар эгаллаши мумкин бўлган кўникма ва малакаларни ривожлантириб бориши ушбу бобда ёритилган.

Ўтказилган сўровнома натижалари ва педагог-муҳандислар билан олиб борилган суҳбатлар асосида улардан машғулотни ташкил этиш бўйича қуйидаги таклифлар олинган: ўқувчиларнинг топшириқларни бажара олиш савияси ҳамда тажриба, қизиқиш ва имкониятларини инобатга олиш, машғулотни коллежлар ёки бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этиш.

Мазкур бобда педагогик тажриба-синов ишларининг мақсад ва вазифалари, натижалари ва математик-статистик таҳлили келтирилган. Тажриба-синов ишлари тўртта, яъни ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-


тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичлардан иборат бўлиб, танлаб олинган мактабларда ўтказилган. Натижалар самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг якуний ўзлаштириш кўрсаткичлари ўзаро таққослаб, таҳлил қилинган.

1-жадвал

Тажриба-синов натижалари (фоизда)

Назорат гуруҳи (125 нафар ўқувчи)				Тажриба гуруҳи (125 нафар ўқувчи)			
Қониқарсиз	Қониқарли	Яхши	Аъло	Қониқарсиз	Қониқарли	Яхши	Аъло
4,0	24,0	36,8	35,2	0	17,6	40,0	42,4

Тажриба-синов ишларининг статистик натижалари умумлаштирилиб, қуйидаги расмда берилган.



2-расм. Тажриба-синов натижалари.

Ўтказилган тажриба-синов натижасида:

Тажриба гуруҳида юқори баҳо олган ўқувчилар назорат гуруҳига нисбатан ўртача 7,5 фоизга ортган, ўзлаштириши паст даражали ўқувчилар эса 11,5 фоизга камайган. Тажриба гуруҳларидаги кўрсаткичлар юқори экани эътиборга олиниб, амалга оширилган тадқиқот ишларининг самарадорлиги исботлаб берилган.

Ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Олинган натижалардан маълум бўлишича, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтирувчи амалий машғулотларни замонавий ташкил этишда тажрибали педагог-муҳандисларга бўлган эҳтиёж юқори. Шу мақсадда “Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар” номли ўқув қўлланма ҳамда “Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этишнинг назарияси-амалиёти ва методикаси (10-11 синфлар мисолида)” номли монография нашр қилиниб, умумий ўрта таълим муассасалари амалиётига жорий этилган.

ХУЛОСА

Мактабларда ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга нисбатан тегишли муассасаларда қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлигига қарамай, бу соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд.

1. Амалий машғулотларни кузатиш, педагог-муҳандис ва ўқувчилар орасида анкета сўровлари ҳамда суҳбатларни ташкил этиш натижасида унинг мавжуд ҳолати, самарадорлик даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги аниқланди, уларнинг паст самара бераётганлиги, ўқув-методик адабиётларнинг етарли эмаслиги, педагог-муҳандисларнинг жараёнга технологик жиҳатдан ёндашмаётгани, илғор педагогик технологиялар, метод, шакл ва воситалар билан бойитилмаётгани билан изоҳланади.

2. Ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш механизмларини технологик ва касбий-психологик тайёргарликнинг интеграцияси асосида такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу жараён ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, замонавий таълим шароитида унинг тутган ўрни, вазифаларини ўрганиш ўқувчиларни танқидий фикрлашга ундайди, муаммоли топшириқ ва вазифаларни мустақил бажаришга, назарий билимларни амалиётга қўллашга ўргатади.

3. Амалий машғулотларни илмий жиҳатдан асослаш, унинг замонавий тузилмасини ишлаб чиқиш, босқичма-босқич ташкил этиш, эгалланган билимларни амалиётда қўллаш, ўқувчиларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш мазкур жараён сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

4. Ўқувчиларнинг касбларга бўлган қизиқишларини аниқлаш ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, янги касб турларини, уларни эгаллаш учун ўқувчиларга мақбул педагогик шарт-шароитларни яратиш, мазкур жараён сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

5. Ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари аниқланди, унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг касбий кўникма ва малакаларини шакллантирибгина қолмай, уларнинг касбий фаоллиги ошишига ҳам хизмат қилади.

6. Педагог-муҳандисларнинг тайёргарлигига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди ҳамда касб-хунарга йўналтирилган машғулотларда ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган ўқув-билиш компетенциялари даражалари шакллантирилди.

7. Тажриба-синов ишлари натижалари ўқувчиларнинг касбни ўзлаштириш учун мотивацияси, мослашувчанлиги, карьераси учун маълумотга эга бўлиш каби касбий сифатларини ташкилот ва корхона мутахассислари томонидан ўтказиладиган намунавий дарс, ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш, амалий машғулотларни корхонада ташкил этиш асосида ривожлантириш мумкинлигини кўрсатди.

8. Ўқувчиларнинг билимларни чуқур ўзлаштириши бўйича педагогик чора-тадбирларни кучайтириш, касбий онгини шакллантириш, касб-хунарга йўналтиришнинг изчил тизимини яратиш, уни назарий-педагогик жиҳатдан асослаш ҳамда самарадорлигини оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ОБЛАСТНОМ ЧИРЧИКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ЧИРЧИКСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

КОРАЕВ САМАРИДИН БАРАКАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ УЧАЩИХСЯ В
СРЕДНИХ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ**

**13.00.02 – Теория и методики образования и воспитания
(педагогический науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В 2019.3.PhD/Ped 384.

Диссертация выполнена в Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (cspi.uz.ilmiy-kengash) и информационном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мухамедов Гафуржан Исроилович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Куйсинов Одилжон Алмуратович
доктор педагогических наук

Махмудова Дилфуза Мелиевна
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

Ведущая организация:

Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2019 года в “___” часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2019.Ped.28.01 при Ташкентском областной Чирчикском государственном педагогическом институте (адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2019 года.
(протокол реестра под номером ____ от “___” _____ 2019 года)

Ш.К.Мардонов
председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н. проф.

Ф.Т.Ражабов
секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор философии по
геогр. наукам (PhD)

Р.А.Эшчанов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.б.н, доц.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Социально-экономические изменения в мире и рост потребности в младших специалистах на рынке труда диктует необходимость профессиональной ориентации учащихся на всех этапах образования. Практически все развитые страны обладают современной образовательной системой, адаптированной к резким изменениям в экономике, способной готовить специалистов конкурентоспособных в любых условиях. В рамках «усиления и расширения различных возможностей получения образования в обучении и подготовке к профессии», определенной в международной образовательной концепции до 2030 года Организации Объединенных Наций актуальным являются вопросы повышения качества обучения и подготовки к профессии в школах в условиях обновлений в образовательной системе, интенсификация развития.

В мире проводятся научно-исследовательские работы в области профессиональной ориентации обучаемых, формирования их навыков и умений, касающихся выбора профессии, повышения их способности адаптации к профессиональной деятельности и повышения профессиональных качеств на основе изучения потребностей современного рынка труда. Особое значение приобретает ориентация учащихся на самостоятельный выбор видов профессии, реализации таланта и возможностей в интересующих их профессиональных сферах.

В образовательных учреждениях нашей республики совершенствуется процесс подготовки учащихся к профессии, налажено эффективное использование международных стандартов. В частности, была определена важная задача – «уделить особое внимание вопросам совершенствования системы непрерывного образования, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»¹. В учреждениях общего среднего образования совершенствуется деятельность учебно-производственных комплексов.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, намеченных в указах Президента Республики Узбекистан от 6 сентября 2019 года №УП-5538 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием», №УП-5812 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением

¹ Указ Президента Республики Узбекистан. №УП-5313. О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования. Национальная база данных законодательства, 25.01.2018 г.

развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Проблемы профессиональной ориентации учащихся, частности, вопросы практики и её цели, задачи, научно-теоретические аспекты и научные основы её организации изучены в работах таких исследователей, как В.П.Горленко, Г.Н.Жуков, И.Я.Звоник, Г.М.Коджаспирова, Н.В.Неводниченко, В.П.Симонов, М.Е.Сысоева, И.Ф.Харламов, В.Т.Чепиков, Т.А.Шангирей. Научно-исследовательские работы Р.Ш.Ахлиддинова, У.И.Иноятова, М.Казакова, Ш.Курбанова, Р.Тургунбаева, С.Т.Тургунова, А.Р.Ходжабоева, А.Х.Гаффорова и др. посвящены таким проблемам, как управление образовательно-воспитательным процессом, преемственность и непрерывность образования, новые подходы к образованию, принципы управления системой образования. Вопросы, связанные с непрерывностью и преемственностью профессионального образования, формированием и развитием профессиональных навыков и умений, его организационными формами, методами и средствами, профессиональной подготовкой педагогов-инженеров освещены в работах Б.С.Абдуллаевой, Т.Абдухоликова, О.А.Абдукудусова, Д.Н.Арзикуловой, М.Т.Ахмедовой, А.К.Жалолова, З.К.Исмаиловой, А.М.Мавлянова, П.Мусаева, Н.А.Муслимова, Б.Х.Рахимова, М.Р.Рахматуллаева, Б.Сатторова.

Таҳлиллардан кўринадики, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёни такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот ишлари кам. Ушбу тадқиқот иши айнан шу жиҳати билан бошқа ишлардан фарқ қилади.

